**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали директори ________**

**Маматқулов О.Х.**

**Ўзб.Рес.ССВ нинг 31.12.2020 йилдаги №363 сонли буйруғига асосан тиббий бланка ва журналлар ясаб бериш**

**БАЁНИ**

Самарқанд шахри 2022 йил 27-сентябрь

| | |
|---|---|
| Комиссия раиси | О.И.Салоҳий |
| Иштирок этган комиссия аъзолари: | |
| О.Абдуллаев | - Комиссия аъзоси. Комиссия раиси ўринбосари. Марказ директорининг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари |
| Б.Каримов | - Комиссия аъзоси. Иқтисодчи |
| Г.Садинова | - Комиссия аъзоси. Дорихона мудираси |
| С.Алмамедова | - Комиссия аъзоси. Бош ҳамшира |
| Ф.Расулова | - Котиба. Кадрлар бўлими нозири |

**КУН ТАРТИБИ:**

Ўзб.Рес.ССВ нинг 31.12.2020 йилдаги №363 сонли буйруғига асосан тиббий бланка ва журналлар ясаб бериш бўйича ўтказилган энг яхши таклифни танлаб олиш бўйича.

---

Марказ томонидан 2022 йил 14-сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси товар ва хом-ашё биржасининг (https://etender.uzex.uz/) электрон порталига Марказ биносини Ўзб.Рес.ССВ нинг 31.12.2020 йилдаги №363 сонли буйруғига асосан тиббий бланка ва журналлар ясаб бериш бўйича №2211001215021 сонли лот рақами билан энг яхши таклифни танлаб олиш учун эълон жойлаштирилган. Мазкур лот бўйича 2022 йил 22 сентябрь куни энг яхши таклифни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган Ўзб.Рес.ССВ нинг 31.12.2020 йилдаги №363 сонли буйруғига асосан тиббий бланка ва журналлар ясаб бериш баённомасига асосан танлов якунига кўра Комиссия аъзолари

томонидан MCHJ "FAN BULOG`I" корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат ҳаридлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунинг 62-моддаси 3-бандига асосан танлов комиссияси баённомаси давлат ҳаридлари электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш куни жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат ҳаридлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
2. ***Марказ бош ҳисобчиси Ж.З.Умаровга***

   Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда танлов комиссия аъзоларининг 2022 йил 14 сентябрдаги №150321 сонли лот электрон баённомасига асосан ғолиб деб топилган MCHJ "FAN BULOG`I" корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.
3. ***Марказ хўжалик ишлари бўйича диретор ўринбосари комиссия раиси ўринбосари Облоқул Абдуллаевга:***

   MCHJ "FAN BULOG`I" корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилиб, шартнома Ғазначилик органидан рўйхатга ўтган кундан бошлаб жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида сифатли даража бажарилишини доимий назоратга олсин ҳамда топшириш-қабул қилиш далолатномаларини тузсин.

1. **Комиссия раиси** **О.И.Салоҳий**
2. Комиссия аъзоси. Комиссия раиси ўринбосари. Марказ директорининг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари О.О.Абдуллаев
3. Комиссия аъзоси. Иқтисодчи Б.Э.Каримов
4. Комиссия аъзоси. Дорихона мудираси Г.М.Садинова
5. Комиссия аъзоси. Бош ҳамшира С.Қ.Алмамедова
6. Котиба. Кадрлар бўлими нозири Ф.Расулова

# ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА № 27/09

**Самарқанд шаҳар** «27» сентябрь 2022 й.

Бундан буён "БУЮРТМАЧИ" деб аталувчи **"Республика ихтисослашган Травматология ва Ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали"** номидан низоми асосида фаолият олиб борувчи раҳбар **О.Х.Маматқулов** бир томондан ва бундан буён "ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ" деб аталувчи **«FAN BULOG'I NASHRIYOTI» МЧЖ** номидан низоми асосида фаолият олиб борувчи **З.Мелиев** бошқа томондан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Буюртмачи" хизматларни қабул қилиш ва тўлаш, "Хизмат кўрсатувчи" эса Буюртмачининг буюртмаси бўйича қуйидаги бланкаларни тайёрлаб бериш мажбуриятини олади:

| № | Товар номи | Ў/б | Хажми | Нархи | суммаси | ҚҚС 15% | Жами суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Касалхонадаги беморнинг тиббий баёни формат а4 оқ қоғозда 200 бетдан иборат усти картон қопланган | дона | 5 000 | 2 000 | 8 695 652,18 | 1 304 347,82 | 10 000 000 |
| 2 | Журнал учета. Амбулатор журнал А3 формат оқ қогозда 200 бетдан иборат усти картон қопланган | дона | 60 | 100 000 | 5 217 391,30 | 782 608,7 | 6 000 000 |
| 3 | Журнал учета. Олинган дориларни хисобга олиш журнали формат а4 оқ қоғозда 200 бетдан иборат усти картон қопланган | дона | 50 | 49 995 | 2 173 695,65 | 326 054,35 | 2 499 750 |
| 4 | Журнал учета. Стерилизация журнали формат а4 оқ қоғозда 200 бетдан иборат усти картон қопланган | дона | 20 | 49 995 | 869 478,26 | 130 421,74 | 999 900 |
| 5 | Журнал учета. Талабнома журнали формат а4 оқ қоғозда 200 бетдан иборат усти картон қопланган | дона | 50 | 49 995 | 2 173 695,65 | 326 054,35 | 2 499 750 |
| 6 | Журнал учета. Амбулатор дафтари формат а4 оқ қоғозда 200 бетдан иборат усти картон қопланган | дона | 100 | 49 995 | 4 347 391,30 | 652 108,7 | 4 999 500 |
| | **Жами** | | | х | **23 477 334,4** | **3 521 595,66** | **26 998 900** |

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **26 998 900** (Йигирма олти миллион тўққиз юз тўқсон саккиз минг тўққиз юз) сўмни ташкил қилади.
1.3. Хизмат кўрсатишни бошлаш ва тугатиш муддати: Бошланиши: "27" сентябр 2022 й. Тугаши: "31" декабрь 2022 й.

## 2. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани ғазначилик органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.
2.2. Хизмат кўрсатиш якунлангандан кейин "Хизмат кўрсатувчи", "Буюртмачига" бажарилган ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини тақдим этади.
2.3. "Буюртмачи" далолатнома ва унга илова қилинган бошқа ҳужжатларни олгандан кейин 10 банк иш куни ичида имзоланган далолатномани ёки хизматларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиш хатини "Хизмат кўрсатувчига"га юборади.
2.4. Рад қилинган ҳолатда, кўрсатилган хизматларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиниши юзасидан камчиликликларни бартараф этиш рўйхати ва муддати бўйича томонлар ўртасида далолатнома тузилади.

## 3. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур шартнома белгиланган тартибда амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва шартнома талаблари ва шартларига мувофиқ ижро этилиши шарт.
3.2. Шартномани шартларини бажаришни бир томонлама рад қилиш ёки шартнома шартларини бир томонлама тартибда ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида ўрнатилган ҳоллар бундан мустасно.
3.3. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.
3.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан аввал кўрсатилиниши мумкин.
3.5. Кўрсатилган хизматлар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан кўрсатилган хизматлар миқдори ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул қилинади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4. . Буюртмачи:
4.1. Кўрсатилган хизматларни танлаб олмаслик, шунингдек хизмат кўрсатувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни хизматлари кўрсатганда, хизматлари қабул қилиб олишни асоссиз равишда рад этганлик учун буютмачи хизмат кўрсатувчига қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) хизматлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
Қабул қилиб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, хизмат кўрсатувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу ишлар бажарилганлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) хизматлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.
4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида хизматлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Бажарилган хизматлар ҳақини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўтказиб юборилган ҳа кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизи ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Хизмат кўрсатувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган хизматларни кўрсатиш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;
- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар кўрсатилган хизматлар стандартлар, сифати, техник шартлар, қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, хизмат кўрсатувчидан сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар кўрсатганлиги учун жарима хизмат кўрсатувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Хизматларни кўрсатиш муддати ўтказиб юборилган ёки кўрсатилмаган ҳолларда Хизмат кўрсатувчи Буюртмачига ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеняларнинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошига цўл қўйилмайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тегишли тарзда бажариш ва хизматлар кўрсатиш муддатини ўтказиб юборилиши ёки кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиққан ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этган ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралидаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларнинг мавжудлигига кўра томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик органларида мажбурий рўйхатга олинган вақтдан кучга киради ва 2022 й. “31” декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| **Хизмат кўрсатувчи** | **«Буюртмачи»** |
|---|---|
| **“FAN BULOG’I NASHRIYOTI” МЧЖ** | **“Республика ихтисослашган Травматология ва Ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали”** |
| **Манзил:** Самарқанд ш. С.Бухорий 1-а уй 11-хона. | **Манзил:** Самарқанд шаҳри Қозизода Румий 73 уй |
| **Телефон:** (93) 999-52-72 | **Тел/факс:** 500-72-10 |
| **Х/р:** 2 0 2 0 8 0 0 0 2 0 5 3 6 7 3 8 6 0 0 1 | **ш/х:** 402149786018401720732 010540002 |
| **Банк номи:** ТИФ **“МИЛЛИЙ БАНК”** АЖ Регистон филиали | **СТИР:** 201842520 **ОКОНХ:** 91511 |
| **МФО: 01112 СТИР: 308335787 ОКОНХ**: 18120 | Самарканд вилоят Ғазначилик бошқармаси |
| Раҳбар: **З.Мелиев** | Ғазна х/в **23402000300100001010** |
| | Банк Марказий банк Тошкент ш бошқармаси |
| | МФО: **00014** СТИР: **201122919** |
| М.У. (имзо) | Раҳбар ______________ **О.Х.Маматқулов** |
| | М.У (имзо) |
| Ҳуқуқшунос: | Ҳуқуқшунос: ______________ |
| Лицензия (диплом) | Гувоҳнома |

my.gov.uz
**Ягона Интерактив Давлат Хизматлари Портали**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги

№ 2925-7760-8bb6-3a69-b670-4754-8661
Ҳужжат яратилинган сана: 2021-04-30
Ариза рақами: 30598030

Ҳужжат берилган: "FAN BULOG'I NASHRIYOTI" маъсулияти чекланган жамияти
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 308335787

# Матбаа фаолиятини бошлагани ҳақида ваколатли давлат органини хабардор қилгани тўғрисидаги ТАСДИҚНОМА

**Хабардор қилувчи юридик шахс ёки ЯТТ номи:** "FAN BULOG'I NASHRIYOTI" маъсулияти чекланган жамияти

**Матбаа корхонасининг ихтисослашуви:** Муҳр ва тамға тайёрлаш, Босма маҳсулотларнинг қолипларини тайёрлаш, Офсет усулида чоп этиш, Флексо усулида чоп этиш, Босма қолипларсиз чоп этиш, Трафарет ёки шойитрафарет усулида чоп этиш, Брайл усулида чоп этиш, Тайёр маҳсулотлар ва материалларга босиш, Чоп этишдан кейинги жараёнлар ва муқовалаш

**Ҳудуд:** Самарқанд вилояти

**Фаолиятни амалга ошириш манзили:** Самарқанд шаҳар С. Буҳорий кўчаси 1 А уй 11 хона

**СТИР:** 308335787

**Хабарнома қабул қилинган сана:** 2021-04-30

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун repo.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

9598

4035970

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"FAN BULOG'I NASHRIYOTI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"FAN BULOG'I NASHRIYOTI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

29.03.2021 969926 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 308335787

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Samarqand viloyati, Samarqand shahri, S.BUHORIY KO'CHASI 1A-UY 11-XONA,

Guvohnoma: Samarqand viloyati, Samarqand shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)